



Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихасини
бажариш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Объект: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25-октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-408 сонли қарорида Фарғона вилояти Риштон тумани А.Навоий МФЙлар ҳудудига электр тармоғини ҳамда ТПни реконструкция қилиш

Буюртмачи: "Фарғона ХЭТК" АЖ.

Иш хажми: А.Навоий МФЙдаги 89-сонли қувати 250 кВ ТП юкини енгилаштириш ТПсини ўз тармоғига улаш ва реконструкция қилиш.

Ишларни бажарилиш муддати: 20 иш куни.

Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихасини бажариши учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25-октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-408 сонли қарори. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 3 ноябр кунги VI-51-157-11-0-К/22-сонли қарори. "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг техник шarti.

Талаблар:

1. АТТА лойихасинида

- 1.1. Ҳудуддан фойдаланиш турлари кўрсатилган ҳолда қурилиш объектининг жойлаштириш режаси
- 1.2. Табiiй-иқлимiiй шароитлар.
- 1.3. Мухандислик-геологик шароитлар.
- 1.4. Мухандислик-тармоқлари тўғрисида маълумот.
- 1.5. Экологик шароитлар.

2. Объект бўйича Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихаси ишлаб чиқилади.

2.1..АТТА лойихасида кўзланган мақсад ер ости ва ер усти сувлари, хайвонот ва ўсимлик дунёси, ишлаб чиқариш технологиясининг тавсифи, кўзланаётган фаолиятнинг мақсад ва характери, объектнинг сувдан фойдаланиш манбалари, оқава сувларни ташлаш (канализация) ёки тўплаш, объектнинг атмосферага таъсири, ҳосил бўладиган чиқиндиларни жойлаштириш, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, ишлаб чиқаришнинг хайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири, табиатни муҳофаза қилишда кўзда тутилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

3. Хисоботлар

3.1. Бажарилган ишлар бўйича барча хисоботлар (АТТА лойихаси) электрон ва коғоз шаклда тақдим этилади.

“Фарғона ХЭТК” АЖ

ЛСХТБ бошлиғи



И.Солиев